

ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТОКСИК ГЕПАТИТНИНГ ОНА ВА АВЛОДНИНГ ЭМИЗИШ ДАВРИДАГИ ГЕМАТОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

Султанова Д.Б., Хасанов Б.Б.

Бухоро давлат тиббиёт институти.

✓ Резюме,

Урғочи каламушлардаги экспериментал токсик гепатитнинг унинг ва авлодининг гематологик кўрсаткичлари ўрганилганда она организмда ва авлодида эмизининг иккинчи ҳафтасигача, аралаш озиқланишга ўтишларига қадар, жадал ривожланган анемия аниқланди.

Калит сўзлар: экспериментал токсик гепатит, она ва бола эрта чақалоқлик даври, эмизиш, чақалоқлар гематологик кўрсаткичлари

ВЛИЯНИЕ ТОКСИЧЕСКОГО ГЕПАТИТА В ПЕРИОД ЛАКТАЦИИ НА ГЕМАТОЛОГИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ МАТЕРИ И ПОТОМСТВА

Султанова Д.Б., Хасанов Б.Б.

Бухарский государственный медицинский институт.

✓ Резюме.

При исследовании влияния токсического гелиотринного гепатита у самок-крыс на гематологические показатели установлено, что возникает анемия, как в организме матери, так и у потомства, прогрессирующая до второй недели лактации, то есть перехода детенышей на смешанное питание.

Ключевые слова: экспериментальный токсический гепатит, кормление грудью в раннем неонатальном периоде, гематологические показатели

INFLUENCE OF TOXIC HEPATITIS AT PERIOD OF THE LACTATIONS ON HAEMATOLOGIC INDEXES MOTHER'S AND POSTERITY

Sultanova D.B., Khasanov B.B.

Bukhara State Medical institute.

✓ Resume,

Influence of toxic heliotrine hepatitis on female rats on mother's and offspring's haematologic indexes was studied. Arise of anemia in mother's and offspring's organism progressed before second week of lactation, or before of young rats begin to nourish mixedly.

Key words: influence of toxic hepatitis, lactations on haematologic indexes mother's.

АКТУАЛИГИ

Охирги йилларда, бола туғиш ёшида бўлган аёллар акушерлик патологиясида, экстрагенитал касалликлар ва, шу ҳисобда, гепатитларнинг ошиши кузатиляпти. Маълумки, бу ўзгаришлар, ҳомиладорлик ва эмизиш даврида, ҳомила ва чақалоқнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади [7,8]. Экспериментал тадқиқотлар шуни кўрсатдики, гелиотрин билан сурункали таъсир қилинганда ҳосил бўладиган гепатит кейинчалик жигар циррозига ўтар экан [4]. Шу билан бир қаторда охирги тадқиқотлар натижасида аниқландиким, гелиотрин билан захарланганда бошқа органларда ҳам микроциркулятор ўзгаришлар кузатилиши, ҳайвонлар организмнинг орган ва системаларида ўзаро боғлиқлик борлигини кўрсатди [1]. Организмни бирлаштирувчи суюқ тўқималардан бири қон бўлиб унда кўзгудагидай организм ҳолати акслантирилади. Гепатит шароитида организмда кузатиладиган чуқур метаболик ўзгаришлар ўз навбатида гематологик кўрсаткичларига ҳам таъсир кўрсатиши табиий.

Илмий тадқиқот мақсади: она организмнинг ҳомиладорлигига гелиотрин билан сурункали захарланишидан кейин она ва авлоднинг қон кўрсаткичларидаги ҳосил бўлган ўзгаришларини ўрганиш.

Материал ва методлар

Текширишлар оғирлиги 150-170 грамм бўлган оқ зотсиз урғочи каламушларда (n=120) ва 1-30 кунлик каламушларда (n=120) ўтқазилди. Олдинги ишларизмизда кўрсатилгандай урғочи каламушларда экспериментал гепатит ҳомиладорликдан олдин сурункали гелиотрин таъсири ёрдамида чақиртирилди [5]. Урғочи каламушлар ва авлодида гематологик кўрсаткичларни текшириш учун эмизиш даврининг динамикасида ва постнатал онтогенезнинг 1, 3, 7, 14, 21 ва 30 кунларида текшириш учун уларнинг қон намуналари олинди.

Ишимизда қуйидаги гематологик кўрсаткичлар текширилди: Сали гемометри ёрдамида гемоглобиннинг миқдори (Hb - грамм %) аниқланди, Горев камераси ёрдамида эритроцитларнинг ($\times 10^{12}/л$) ва лейкоцитларнинг ($\times 10^9/л$) умумий сони ҳисобланди. Кўрсаткичлар фарқланиш ишончилиги Фишер-Стьедент мезони бўйича аниқланди.

Натижалар ва таҳлил

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, урғочи каламушларнинг гелиотрин билан сурункали захарла-

ниши уларнинг ва болаларининг гематологик кўрсаткичларида маълум ўзгаришларга сабабчи бўлади.

Ургочи каламушларда туғруқдан кейинги биринчи ҳафтадан бошлаб 14 кунгача гемоглобин миқдорининг ва эритроцитлар сонининг камайиши кузатилади (1 жадв.). Қоннинг оқ таначилари текширилганда, эмизичининг биринчи кунидан бошлаб 14 кунгача ифодаланган лейкопения сақланиб туриши аниқланди. Эмизичининг кейинги даврларида она каламушларни қон кўрсаткичлари нисбатдан меъёрланди.

Токсик гепатит билан заҳарланган ҳайвонларнинг янги туғилган авлодида эритроцитлар, гемоглобин ва ретикулоцитлар миқдорининг камайиши кузатилди. Эритропения 14 - кунгача сақланиб келинишига, суякқўмигида қон яратилиши бузилиши ва эритроид элементларнинг камайиши сабабчи бўлди. Лекин токсик гепатитли каламушлардан туғилган авлоднинг ўсиши ва ривожланиши даврида эритроидда анча ўзгаришлар пайдо бўлиши ҳисобига кейинги даврларда гемоглобин, эритроцитлар ва ретикулоцитлар ошиши аниқланди (2 жадв.). Лейкоцитлар сони текширилганда уларнинг ҳам миқдори 2 марта камлиги аниқланди. Лекин кейинчалик лейкоцитлар лимфоцитлар ва моноцитлар кўпайиши ҳисобига тез ошиб 14 кунлик каламушларда энг юқори кўрсаткичларга етади. Бу пайтда ёш каламушларда лейкобластик қон яратилишнинг ошиши кузатилди. Ривожланишнинг 30 - кунига етиб лейкобластик реакциянинг пасайиб лейкоцитлар миқдори назорат гуруҳи кўрсаткичларига яқинлашиб қолганлиги аниқланди.

Олинган натижаларимизни бошқа изланишлар билан таққослаганда аниқ бўлдики, сурункали гепатит таъсирида она организмда мавжуд бўладиган чуқур метаболик ўзгаришлар, хусусан оқсил-витамин алмашинувининг ва жигарнинг заҳарсизлантириш функцияларининг бузилишлари [1,4] нафақат она организмда, балким ундан туғилган авлодда ҳам анемия ҳосил бўлишига сабабчи бўлади. Ёш каламушлар ўсиши билан она сути миқдорида талаб тўғри пропорционал ошади ва она организмнинг зўриқиши кучайиши натижасида анемиянинг тарққиёти эмизичининг иккинчи ҳафтасига чўзилишига сабабчи бўлса керак. Гепатит билан касалланган она организмнинг иммунотанқислик ҳолати, болаларидаги иммунотанқисликни тўлиқ олдини ололмаслиги сабабли [2,6,7], ёш каламушларнинг лейкопенсиясига сабабчи бўлса керак. Каламуш болаларининг аралаш овқатланишга ўтиши, бир томондан она организмга тушадиган юкламанинг пасайишига, иккинчи томондан эмизикли каламушлар жигарига патоген таъсир кўрсатадиган моддалар тушишини камайишига [3] ва натижада эмизичи даврининг охирида токсик гепатитли ургочи каламушлар ва уларнинг авлодларида қон кўрсаткичларининг нисбатан меъёрланиши кузатилди.

Шундай қилиб, ургочи каламушларнинг токсик гепатити она ва бола организмларида анемия ҳосил бўлишига сабабчи бўлиб, эмизикли каламушлар аралаш овқатланишга ўтганича унинг жаддаланиши кузатилади. Шунинг учун даволаш-профилактик ишларни шу давргача ўтказилиши самаралироқ бўлса керак.

Жадвал 1

Токсик гепатитнинг ургочи каламушларнинг гематологик кўрсаткичларига эмизич давридаги таъсири

Текширилган кўрсаткичлар	Х-р г-ҳи	Эмизич кунлари					
		1	3	7	14	21	30
Hb – грамм %	Н	11,2±0,06	11,2±0,07	11,1±0,10	11,0±0,01	11,2±0,24	11,8±0,12
	Т	10,8±0,08*	10,8±0,11*	10,7±0,27	10,6±0,33	10,9±0,29	11,4±0,33
Эритроцитлар 10 ⁹ /л	Н	5,28± 0,08	5,21± 0,13	5,20±0,05	5,13±0,06	5,23±0,19	5,41±0,17
	Т	5,00± 0,20	4,90± 0,23	4,85±0,10*	4,78±0,09*	5,15±0,23	5,30±0,21
Лейкоцитлар x10 ⁶ /л	Н	9,21± 0,12	9,06± 0,13	9,44± 0,18	9,60± 0,20	9,61±0,23	9,72±0,15
	Т	8,42±0,28*	8,21±0,10*	8,43±0,17*	8,71±0,23*	9,11±0,34	9,20±0,35

Жадвал 2

Ўргочи каламушлардаги токсик гепатитнинг авлоднинг ilk постнатал онтогенез давридаги гематологик кўрсаткичларига таъсири

Текширилган кўрсаткичлар	Х-р г-ҳи	Постнатал онтогенез даври (кунлар)					
		1	3	7	14	21	30
Hb – грамм %	Н	10,2± 0,12	9,5± 0,09	9,5± 0,06	9,3± 0,07	9,1± 0,15	8,9± 0,20
	Т	9,1± 0,11*	9,1± 0,10*	9,0± 0,14*	8,9±0,09*	8,8± 0,21	8,8± 0,14
Эритроцитлар 10 ⁹ /л	Н	3,65±0,07	3,25±0,07	3,30±0,06	3,35±0,06	3,56±0,10	3,82±0,14
	Т	3,25±0,09*	3,02±0,06*	3,01±0,04*	2,90±0,07*	3,16±0,17	3,60±0,24
Лейкоцитлар x10 ⁶ /л	Н	6,10± 0,28	6,20± 0,32	7,00±0,19	7,70±0,25	8,60±0,28	9,10±0,33
	Т	3,05±0,11*	3,85±0,28*	7,33±0,18	9,07±0,19	8,79±0,22	9,24±0,41

Эслатма: 1. қисқартиришлар - Х-р г-ҳи - хайвонлар гуруҳи, Н - назорат, Т - тажриба; 2. * - назоратгуруҳи-қийматиганисбатанфарқаниқлиги (P< 0,05).

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Абдуллаев Н.Х., Каримов Х.Я. Печень при интоксикациях гепатотропными ядами. -Ташкент: Медицина,1988; 96.
2. Ризопулу А.П., Арипова Т.У., Хакимова Г.Б., Салмина Е.Б. Взаимосвязь иммунобиологических свойств грудного молока и состояния иммунореактивности новорожденных, рожденных от HBs-Ag-положительных женщин. //Журнал теоретической и клинической медицины 2002; 3: 50-55.
3. Гафарова Е.А. Начальные и заключительные стадии гидролиза углеводов у потомства крыс с хроническим токсическим гепатитом: /Автореф.дис....канд.мед.наук. 2001; 18.
4. Каримов Х.Я. Функционально-метаболические, структурные и микроциркуляторные аспекты патогенеза экспериментальных токсических поражений печени: /Автореф.Дис....д-ра мед.наук.- Ростов-на-Дону,1979; 39.
5. Хасанов Б.Б., Хасанова З.Ш. Влияние токсического гепатита на детородную функцию самок крыс и развитие иммунной системы потомства //Пробл. биол. и медиц. - 2003; 2: 65-69.
6. Hassiotou F., Geddes D.T. Immune Cell-Mediated Protection of the Mammary Gland and the Infant during Breastfeeding // Adv Nutr. - 2015; 6(3): 267-275.
7. Imdad A, Yakoob M.Y., Bhutta Z.A. Effect of breastfeeding promotion interventions on breastfeeding rates, with special focus on developing countries // BMC Public Health 2011; 11: Suppl 3: 24.
8. Foteini Hassiotou and Donna T Geddes. Immune Cell-Mediated Protection of the Mammary Gland and the Infant during Breastfeeding // AdvNutr. 2015 May; 6(3): 267-275.

Келиб тушган вақти 09.09. 2019